

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ

Мирзоев Шерзод Махматқулович

ИП ООО Freedom Finance бизнес таҳлилчиси, ИТ лойиҳаси
менежери

Аннотация: Рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва инвестиция мўҳитини жозибадорлигини янада оширишда лойиҳа бошқарувининг миллий моделини яратиш долзарб ҳисобланади. Мақолада лойиҳа бошқарувининг рақамли иқтисодиётдаги аҳамияти ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, инвестиция, лойиҳа бошқаруви, рақамли технологиялар, молия-банк тизими

PROJECT MANAGEMENT IN THE DIGITAL ECONOMY

Mirzoev Sherzod Maxmatkulovich

Freedom Finance, Business Analyst, IT Project Manager

Abstract: It is urgent to create a national model of project management in the consistent development of the digital economy and further increase the attractiveness of the investment environment. The article provides analytical information about the importance of project management in the digital economy.

Keywords: digital economy, investment, project management, digital technologies, financial and banking system

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида турли иқтисодий адабиётларда мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига эришиш ҳамда макроиқтисодий мувозанатини таъминлашнинг муҳим жиҳати рақамли иқтисодиёт тизимига ўтиш деб қайд этилмоқда. Шундай экан, иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, янги технологияларни жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва бошқа бир қанча муҳим йўналишларда кенг қамровли ишларни бажариш,

мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлар доирасидаги бирламчи вазифалар қаторига олиб чиқади.

Рақамли иқтисодитёт ўзи нима эканлиги ва унинг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Ушбу тушунчага содда қилиб халқ тили билан изоҳ берганда, рақамли иқтисодиёт бу- рақамли илғор технологияларни иқтисодиётга жорий этилиши асосида вужудга келган XXI аснинг классик иқтисодиётнинг янги рақамли кўриниши.

Республикамызда сўнги йилларда рақамли технологияларни иқтисодиёт йўналишларида жорий этилиши, банк сектори ва тўлов хизматлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатишда тадбиқ этилиши ҳамда электрон тижорат ва ҳақозо соҳаларни ривожлантиришда ўрни йилдан йилга салмоқли ошиб келмоқда. Бу каби йўналишларни жадал равишда ривожланишга асосли туртки вазифасини ўтовчи мъерий ҳужжат яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти “Рақамли Ўзбекистон-2030” ПФ-6-79-сонли фармони 2020 йилнинг 5 ноябрида тасдиқланган бўлиб, ушбу фармонда Республикада рақамли индустрияни ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш каби ўстивор йўналишларни амалга оширилиши белгилаб ўтилган. Қисқа қилиб, аниқроқ тўхталадиган бўлсак:

- корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали сотиш бозорларини кенгайтириш;
- суғурта тизимини рақамлаштириш;
- логистика тизимини такомиллаштириш ва рақамли технологияларни жорий этиш;
- иқтисодиётнинг реал секторларида роботлаштирилган саноатни ривожлантириш;
- рақамли инфратузилмани ривожлантириш;
- молиявий супермаркетларнинг бизнес моделини яратиш;
- рақамлаштириш асосида масофавий давлат ва нодавлат хизматлари кўрсатиш;

- рақамлаштириш асосида масофавий таълимни ривожлантириш каби йўналишлар.

Иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш соҳаларини рақамли трансформация қилишда юқори даражадаги **68** та, инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқа соҳаларини рақамли трансформация қилиш эса юқори даражадаги **15** та чора тардбир ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Қисқача инвестиция йўналишида ҳам тўхтаб ўтишни масадга мувофиқ деб биламиз, нимагаки ушбу глобал икки йўналиш яъни АКТ (Рақамли иқтисодиёт асоси) ва Инвестиция йўналишлари негзида лойиҳа бошқарувини объектив баҳолаш етарличи аниқликни келтириб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сонли “2021-2023 йиллар учун Инвестиция дастурини амалга ошириш чора тадбирлари” тўғрисидаги қарорига мувофиқ, **928,7** триллион сум инвестиция ўзлаштирилиши, **226** та янги ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда **34** минг ишчи ўрни яратилиши назарда тутилган.

Юқорида келтириб ўтилган асосли маълумотларга таянган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, давлатимизнинг иқтисодий ўсаётганлигини, ҳар жабҳанинг изчил ривожланиб бораётганлигини кўзатишимиз мумкин. Яъни бунда амалга оширалаётган чора тадбирлар, лойиҳалар замонвий лаҳжада изоҳлайдиган бўлсак “Projects” нинг тўғри ташкиллаштириши ва уларнинг негзида асосли амалга оширилиши ётади. Демак, бизнинг ҳолатда лойиҳалар реализацияси ва уларни бошқаруви қанчалик тўғри ташкиллаштирилшаг? Умуман олганда лойиҳа бу нима? Халқ орасида лойиҳа дейлганда нима тушунилади?. Бу каби, концепцияларга бирма бир тўхталиб ўтамиз. **Лойиҳа** бу – ғояга, бошланиш ва якунга эга бўлган чора тадбирлар йиғидиси. Лойиҳа борки: ноаниқлик бор, хатар бор, якун ва ҳ.з. бор. Лойиҳа бошқаруви бу- вақт, нарх ва иш хажми ҳамда мижоз эҳтиёжини кондирилишидир. Юқорида келтириб ўтилган, ва ўтилётган барча фикр

мулоҳазаларни асос сифатида олиб, масалага субъектив ёндашадиган бўлсак, рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва инвестиция мўҳитини жозибадорлигини янада оширишда лойиҳа бошқарувининг тизимлилиги етарли даражада мукамал эмас. Ушбу каби масалалани ечими ўлароқ, қандай йўл тутиш мақсадга мувофиқ?. Рақамли иқтисодиётни изчил ривожлантириш ва инвестиция мўҳитини жозибадорлигини янада ошириш йўлида лойиҳа бошқарувини тактик ўзгартириш асосида миллий моделни ишлаб чиқиш. Лойиҳа бошқаришда хорижий (*ҳозирги кунда Республикамизда ўз фаолиятларини олиб бораётган*) ва маҳаллий мутахассилар ўртасида: Сифат бошқаруви, муддат бошқаруви, нарх бошқаруви, харидлар бошқаруви, хатарлар бошқаруви, ресурслар бошқаруви ва ҳ.з тушунчалар юзасида етарлича тафовут бор.

1. Халқаро даражадаги имтиҳонларни топшириш учун харажатларни қоплаш тартибини ишлаб чиқиши (*ҳозирги кунда молий ва бухгалтерия, тил ва АКТ йўналишларида бу каби тартиб ишлаб чиқилган*)

Асос: Лойиҳа бошқаруви йўналишида халқаро даражадаги сертификатланган мутассис бўлишда маълум бир миқдорда мажбурий тўлов миқдори мавжуд. Лойиҳаларни бошқаруви ассоциацияда (UPMA) хорижий экспертларни жалб этган ҳолда даврий-гибрид (*миллий моделга асосланган ҳолат*) курсларни мунтазам равишда ташкил этиш

Асос: Лойиҳа бошқарувида тушунчаларнинг номутоносиблиги ва маҳадий кадрларнинг халқаро даражадаги тажрибага чанқоқлиги

2. Миллий сертификатланган кадрлар учун онлайн жамият платформасини яратиш керак. Мазкур чора тадбирларнинг асосли равишда амалга оширилиши бизга:

- Рақамлаштиришда **1712** та;
- Иқтисодий тараққиёт, молия-банк тизими, давлат активларини бошқаришдаги **68** та;
- Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқа соҳаларини рақамли трансформация қилиш эса юқори

даражадаги **15** та ва шу каби келажак лойиҳаларни тизимли ва самарали бошқаришда миллий ёндашишни беради.

Бунинг негзида эса, келажак лойиҳалари сифатида:

- Робототехника;
- Сунъий интеллект;
- Молиявий супермаркет (Финтех);
- Технологик супермаркет (Техфин);
- Аққилли ирригация тизимлари;
- Телемедицина и фармацевтика
- AML (Пул “ювишга” қарши кураш)

Хулоса қилиб айтганда, лойиҳа бошқарувидаги “Agile”, “Waterfall” ва “Hybrid” бошқарув фалсафалар негзида лойиҳа бошқарувининг миллий модели яратилиши, лойиҳа доирасида опеацион (ОРЕХ) ва капитал (САРЕХ) харажатларни тўғри асосли режалаштиришни, ресурсларидан самарали фойдаланишни, хатарларни ўз вақтида баҳолаб, уларни кўра билишни, вақт бошқарувини тўғри тадбиқ этишни ҳамда бизнес ғояларни тўғри шакллантиришни, режалаштиришни, амалга оширишни, амалга оширилаётган лойиҳаларни дедуктив ва индуктив назорат қилишни ва ниҳоят ижобий натижаларга эришишга қатъий замин шакллантиради.

Адабиётлар

1. А.Сиддиков.(2021) .Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишга доир ёндашувлар. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. № 2
2. Гулямов С.С. ва бошқалар. ”Рақамли иқтисодиёт” Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2020 й. –409 б
3. Аюпов Р.Х. Пути развития электронного бизнеса в Узбекистане. – Т.: Формат полиграф, 2016. – 205 с
4. Digital Economy report 2019, Value creation and capture: implications for developing countries. https://unctad.org/system/files/official-document/der2019_en.pdf